УДК: 94(575.1)

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА ДОРИХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН (XIX аср охири – XX аср бошлари)

А.А. Бадалов

Мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон ўлкаси, жумладан, Фарғона вилоятида фаолият юритган маҳаллий дорихоналар фаолияти, табиблар томонидан халқ табобатида қўлланилиб келган дори воситалари хусусида европалик олимларнинг мулоҳазалари, ўлкага замонавий фармакологиянинг кириб келиши, ўлкада очилган дастлабки замонавий дорихоналарнинг фаолияти ва муаммолари, дори савдоси тушуми ва унинг ўсиб бориши, дорихоналарда фаолият олиб борган фармацевтларнинг ижтимоий ҳолати тарихий асарлар ва архив материаллари асосида таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Фарғона вилояти, замонавий дорихона, фармацевт, дори-дармон, провизор, доришунослик, рецепт.

В статье на основе исторических трудов и архивных материалов анализируется деятельность местных аптек, взгляды европейских учёных на лекарственные средства, применявшиеся местными табибами(лекарями) в народной медицине, внедрение в стране современной фармакологии, деятельность и проблемы первых современных аптек, доходы и рост продаж лекарств, социальное положение фармацевтов, работавших в аптеках в конце XIX - начале XX века в Ферганской области Туркестанского края.

Ключевые слова: Ферганская область, современная аптека, фармацевт, медикаменты, провизор, фармакология, рецепт.

Кириш

Тарихдан маълумки, Ўрта Осиё халқлари қадимдан доришунослик бўйича илғор тажрибага эга. Абу Али ибн Сино, Абу Бакр ар-Розий каби етук олимлар табиат неъматларидан шифобахш дори-дармонларни тайёрлаб, турли касалликларни даволашда улкан ютуқларга эришганлар. Абу Райҳон Берунийнинг “Китаб ас-сайдана фи-т-тиб” (“Табобатда доришунослик китоби”) китоби дунё юзини кўриши билан доришунослик илми илдамлаб кетди. Абу Райҳон Берунийнинг кексайган чоғида ёзган китоби Ўрта Осиёда фармакогнозия (доришунослик) илмининг ривожланиш тарихида алоҳида ўринга тутувчи муҳим бир асардир [1. Б. 41].

Материал ва методлар

Ушбу мақолада тарихий адабиётлар, архив материаллари ҳамда даврий матбуот материаллари тарихийлик, илмийлик ва ҳудудий ёндошувлар каби тарихий методлар асосида ўрганилган бўлиб, унда XIX аср охири – XX аср бошларида Фарғона вилояти замонавий фармакологиянинг кириб келиши, замонавий дорихоналарнинг ташкил этилиши ва ривожланиши тарихи тўғрисидаги маълумотлар берилади.

Натижалар ва муҳокама

XIX асрнинг сўнгги чорагида Туркистон ўлкасига замонавий тиббиётнинг кириб келиши натижасида ўлкада европача тиббиёт муассалалари ташкил этила бошлади. Шу билан биргаликда ўлкадаги халқ табобати вакиллари бўлмиш табиблар томонидан турли касалликларни даволашда қўлланиб келинган табиат неъматларидан тайёрланган дорилар билан биргаликда Европа доришунослигида фойдаланилаётган дори воситалари ҳам қўлланилишни бошлади. Туркистон ўлкаси доришунослик кенг ривожланишига замин бўлган шифобахш ўсимликлар ва турли минерал моддаларга бойлиги боис, соҳа тадқиқотчилари ҳам бу минтақани ўрганишга жуда қизиққанлар. XIX аср охири – XX аср бошларида Боршов, Р.Пальм, А.П.Федченко, И.Краузе, В.И.Кушелевский каби рус тадқиқотчилари ўлканинг табиати ва иқлими, аҳоли саломатлиги ва тиббиёт ҳолати билан бир қаторда доришунослик соҳасини ҳам тадқиқ этганлар. Бунда ўлкадаги шифобахш саналувчи ва маҳаллий аҳоли томонидан дори сифатида қўлланилган ўсимлик ва маъданлар катта қизиқиш билан ўрганилган [2. Б. 144–153]. Асосий ичимлик суви бўлган ариқ сувларининг сифати ва таркиби батафсил таҳлил этилган ва матбуот саҳифаларида босилиб, кенг жамоатчилик оммаси таништириб борилган [3. Б. 134].

Узоқ йиллар Фарғона вилоятида яшаб аҳолига тиббий хизмат кўрсатган, маҳаллий халқнинг тиббий билимлари ва халқ табобати анъаналарини ўрганган шифокор В.И.Кушелевский ўзининг шахсий кузатувлари натижасида халқ орасида машҳур бўлган доривор воситалар рўйхатини тузади. Ўзининг асарида дори тайёрлашда ишлатиладиган 105 та гиёҳ ва 10 га яқин ҳайвон ва ҳашарот турларини ҳамда 17 та турли минераллардан ишланган дори воситалари номларини келтириб, уларнинг хусусиятлари, қайси касалликларга қарши ишлатилиши ва қаердан келтирилиши ҳақида батафсил маълумот беради. Муаллифнинг асарида келтирилишича, маҳаллий табиблар касалликларни даволашда кўп турли дори-дармонлардан фойдаланишган, бундан ташқари ўзларнинг алоҳида мижозлари учун махсус тайёрланган бир неча хилдаги дорилари ҳам бўлган. Дори-дармон воситалари турли хил барглар, ўтлар, илдизлар, минераллар, қуритилган илон, калтакесак, ҳашаротлар, турли ҳайвонларнинг маҳсулотлари ва бошқалардан иборат бўлган. Шулардан табиблар турли дамламалар, доривор ўт дамламалари, хапдорилар, малҳам ва бошқа дори-дармонларни тайёрлашган. Минерал хом ашёлардан маргимуш, симоб, сулема (заҳарли порошок), мис купороси, аччиқтош, уксус, олтингугурт, махсус тупроқ, бўр ва бошқалар, органик хом ашёлардан эса оқ дори (“хинин”, руслар келгунича Туркиядан келтирилган ва жуда қиммат нархларда сотилган), оқ мурч, арпабодиён, асал, афюн (сотувда 2 хил тури бўлган: тўқрангли – тарёқ ва оч рангли - қайроқча), долчин, занжабил, ажриқ, мумиё ва бошқаларни бозор расталаридан топиш мумкин бўлган [4. Б. 244–251].

1870 йилнинг апрелидан 1876 йил июлига қадар АҚШнинг Санкт-Петербургдаги дипломатик миссияси котиби лавозимида ишлаган америкалик дипломат Южин Скайлер Туркистон ўлкасидаги ўзига хос касалликлар ва уларни даволаш сирлари, ўлкадаги табибларнинг турли касалликларни даволашда ишлатадиган ҳамда Европадан келтириладиган дори-дармон воситалари, маҳаллий дорихоналар ҳақида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган. Жумладан, Тошкент бозорини айланар экан, йўл юзида жойлашган маҳаллий дорихона хусусидаги “гулдор тамғали доирасимон ғаладонлар ва кичик сурилма қутилар гиёҳларнинг қуритилган тутами қанақа, нима эканлигига шак-шубҳа қолдирмайди. Бу ерда Осиё доришунослигига маълум барча дориларни топишингиз мумкин” [5. Б. 136] деган илиқ фикрларни билдиради. Яна катталиги мускат ёнғоғидек келадиган Эроннинг чойга солганда маълум таъм берувчи қуритилган лимонлари, ўсма, қора кукунли сурма-

нинг киприкларни бўяшда ишлатилиши билан биргаликда, кўзни чанг ва шамолда яллиғланишдан енгиллатиши, Россиядан келтириладиган оқ упа ва бошқа дориларнинг хусусиятлари ҳақидаги таассуротларини баён қилади. Шу билан биргаликда Европадан келтириладиган дорилар ҳам аҳоли учун янгилик эмаслиги, ўлкада улар анча даврлардан буён маълумлиги, бундай дорилар ўлкага асосан россиялик савдогарлар томонидан олиб кирилиб, улар европалик савдогарларга нисбатан арзонроқ ва яхшироқ сотишганлигини таъкидлайди [5. Б. 115].

XIX асрнинг охирларида ўлка аҳолисига дори-дармон етказиб бериш билан асосан маҳаллий табиблар ва атторлар шуғулланган. Шаҳар ва қишлоқлардаги бозорларда уларнинг махсус расталари бўлиб, турли доривор ўсимлик ва гиёҳлар, тайёр дори воситалари ҳамда доришуносликда қўлланиладиган турли ёғлар, минераллар, тоғ жинслари, хилма-хил ҳашаротларни топиш мумкин бўлган.

Аҳолига қулайлик туғдириш мақсадида маҳаллий табиблар мавжуд бозорларнинг расталарида ўзларига жой ҳозирлаганлар. В.И.Кушелевский табиблар бозорларда беморларни қабул қилиб, ўша ернинг ўзида дори тайёрлаб берганини қайд этади. Мамлакатнинг бошқа ҳудудларида ҳам табиблар бозорларда фаолият юритганликлари ҳақида маълумотлар учрайди. Ҳар бир табиб бир вақтнинг ўзида ҳам дори тайёрловчи – фармацевт, ҳам сотувчи вазифасини бажарган. Табиблар дориларни ўзлари тайёрлаб тарқатганлар, узоқ ҳудудларга эса улар атторлар ёрдамида етказилган.

Туркистонда дорихона очиш ва доришунослик фаолияти Ички ишлар вазирлиги томонидан 1872 йил 10 февралда тасдиқланган “Дорихона очиш тартиб-қоидалари” тўғрисидаги Низом асосида тартибга солинган. Унга кўра, дорихона очиш ва доришунослик фаолияти билан шуғулланишнинг асосий шартлари сифатида ҳудуд чегарасида яшовчи аҳолининг сони, мавжуд дорихоналарга уч йил давомида аҳоли томонидан келиб тушган йиллик рецептлар ва қайта мурожаатларнинг сони ҳисобга олинган. Хусусан, пойтахт ва марказий шаҳарларда 12 минг кишидан кам бўлмаган аҳоли, йиллик 30 мингдан зиёд рецептлар ва қайта мурожаатлар, шаҳарларда 10 минг кишидан кам бўлмаган аҳоли ва йиллик 15 мингдан зиёд рецепт ва қайта мурожаатлар, уездларда 7 минг кишидан кам бўлмаган аҳоли ва йиллик 6 мингдан зиёд рецептлар ва қайта мурожаатлар рўйхатга олинган тақдирда дорихона очилишига рухсат берилган. Аҳоли сонини аниқлашда статистика қўмитасининг маълумотлари асос қилиб олинган, ҳудуд чегарасидан ташқаридаги ва вақтинчалик яшаб турган аҳоли, шунингдек, ҳарбий бўлинмаларнинг амалдорлари ҳисобга олинмаган. Белгиланган меъёрларни кичик шаҳарлар, шаҳарлар четидаги посёлкалар ва кичик қишлоқлар учун қабул қилиб бўлмаганлиги туфайли, аҳоли сони ва дорихона савдо айланмасини ҳисобга олмаган ҳолда, дорихоналар ўртасидаги оралиқ масофа 15 верстдан* кам бўлмаслиги шарти билан янги дорихона очилишига рухсат берилган [6. Б. 6–7].

Шу билан биргаликда дорихоналарнинг бундай масофада жойлашуви кўпинча ҳудуд аҳолисининг дори воситаларини тезлик билан олиш имкониятини қийинлаштириши туфайли бундай ҳудудларда дорихона бўлимларини ташкил этиш зарур деб топилган. Вақтинчалик ёки доимий асосда фаолият юритган дорихона бўлимларида асосий дорихоналарда сотиладиган ва тайёрланадиган барча асосий ва захира дори-дармон воситалари сотуви йўлга қўйилган. Дорихона бўлимларида лаборатория, тайёрлов хонаси ва низомда кўрсатилганидек, асосий дорихоналарда бўлиши талаб этиладиган бошқа қурилмалар бўлиши талаб этилмаган. Дорихона бўлимларида дори-дармон тарқатиш ҳамда бошқариш дорихона эгасининг назорати ва жавобгарлиги асосида махсус имтиҳондан ўтган фармацевт томонидан амалга оширилган. Шу-

*__Верста__ – қадимий рус ўлчов бирлиги. Қиймати 500 саженга, яъни 1,0668 км га тенг. XVIII асрга қадар чегараларни белгилаш Верстаси (1000 сажен; 2,1336 км) қўлланилган. Бундай Верста чегараларни белгилаш ва аҳоли яшайдиган пунктлар орасидаги масофани аниқлаш учун ишлатилган.

нингдек, келиб тушган рецептлар, қайта мурожаатлар ҳамда дори-дармон сотуви тўғрисидаги маълумотлар шнурланган китобга қайд этиб борилган. Вақт ўтиши билан дорихона бўлимининг савдо кўлами ортиб, аҳоли томонидан келиб тушган йиллик рецептлар ва қайта мурожаатлар сони мустақил дорихона очиш учун белгиланган меъёрга етган тақдирда, биринчи мурожаат қилган фармацевтга дорихона очишга рухсат берилган. Ўз навбатида амалдаги дорихона бўлими ёпилган. Бирор ҳудуд бўйича бир неча талабгорлар дорихона очишга рухсат сўраб мурожаат қилган ҳолатда, уларнинг орасида ҳали дорихонага эга бўлмаган ҳамда бирон ҳудудда бундай муассасани ташкил этиш имтиёзига эга бўлмаганларга устуворлик берилган. Агар талабгорларнинг барчаси қайсидир ҳудудда дорихонага эга бўлса, унда уларнинг иш стажига эътибор қаратилган. Барча жиҳатлар тенг бўлган тақдирда илмий даражаси энг юқори бўлган талабгорга устуворлик берилган. Бундан ташқари талабгорларнинг фармацевтика соҳасида етарли тажрибага эга бўлганлиги ҳамда уларнинг сидқидилдан хизмат кўрсатишига маҳаллий маъмурлар томонидан ишонч билдирилганлиги ҳам инобатга олинган.

Туркистон ўлкасида хусусий дорихона очишга уринишлар XIX асрнинг 70-йилларидан бошланган. 1874 йилда Тошкент шаҳрининг эски қисмида аҳолининг хайрия маблағлари ҳисобига биринчи дорихона ишга тушган эди. Дорихона кичик бинода жойлашган ва дори-дармон турлари унчалик кўп бўлмаса-да, камбағал беморларни бепул дори билан таъминлаган. 1880 йилда провизор Краузе томонидан Туркистон ўлкасидаги биринчи хусусий дорихона очилиб, аҳолига хизмат кўрсатишни бошлаган.

1889 йилда Туркистон ўлкасида учта дорихона фаолият юритган бўлиб, улардан биринчиси Тошкент шаҳридаги провизор Крузе томонидан бошқариладиган дорихона, иккинчиси Тошкентдаги шаҳар дорихонаси ҳамда учинчиси Самарқанд шаҳридаги дорихона эди. Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги дорихоналар шаҳар бюджет маблағлари ҳисобидан таъминланган. Дорихоналар эркин савдодан ташқари, шаҳар ва уезд врачлари, шунингдек, ушбу шаҳарларда жойлашган аёллар ва болалар шифохонаси ҳамда эркаклар шифохоналари шифокорларининг рецепти бўйича ўлка аҳолисини бепул дори билан таъминлашни ҳам йўлга қўйган. Айни пайтда Самарқанд дорихонаси шаҳарда жойлашган мактаблар ва қамоқхоналарга ҳам бепул дори ва дори воситалари бериб турган.

Булардан ташқари, Казалинск ва Авлиёотадаги шошилинч тиббий ёрдам масканларида, Ўш, Қўқон ва Каттақўрғондаги шаҳар касалхоналари қошида ҳам кичик дорихоналар фаолият кўрсатган. Қуйида келтирилган жадвалда 1889 йилда ўлкадаги дорихоналар ва уларда рўйхатга олинган рецептлар сони ҳамда уларнинг маблағ айланмаси ҳақида маълумот келтирилган:

1-жадвал

1889 йилда ўлкадаги дорихоналар ва уларда рўйхатга олинган рецептлар сони ҳамда уларнинг маблағ айланмаси ҳақида қайднома [7.Б.43]

Дорихона номи	Рўйхатга олинган рецептлар сони	Савдо тушуми					
		Рецепт бўйича		Рецептсиз		Жами	
		Руб.	Коп.	Руб.	Коп.	Руб.	Коп.
Провизор Крузенинг хусусий дорихонаси	15906	9901	96	3608	70	13510	66
Тошкент шаҳар дорихонаси	6090	3284	37	1462	72	4747	1

Самарқанд шаҳар дорихонаси	10422	4189	68	5105	67	9295	35
Казалинск шошилинч тиббий ёрдам маскани қошидаги дорихона	Маълумот йўқ			67	47	67	47
Авлиёота шошилинч тиббий ёрдам маскани қошидаги дорихона	255	72	39	59	32	131	71
Ўш шаҳар касалхонаси қошидаги дорихона	105	34	96	47	82	82	78
Қўқон шаҳар касалхонаси қошидаги дорихона	631	291	-	45	47	336	47
Каттақўрғон шаҳар касалхонаси қошидаги дорихона	413	257	14	102	62	359	76
Барча дорихоналар бўйича, жами	**33822**	**18028**	**350**	**10495**	**479**	**28527**	**421**

XIX асрнинг 90-йиллари бошида ўз фаолиятини бошлаган Чоржўй ҳамда Янги Марғилон шаҳридаги дорихоналар билан Туркистон ўлкасидаги дорихоналар сони 6 тага етган. Санаб ўтилган дорихоналардан ташқари аввалгидек ҳар бир шифохонада шаҳар ва туман шифокорлари томонидан ўлка аҳолисига дори-дармонларни белгиланган қатъий нарх асосида эркин тарзда сотиш йўлга қўйилган. Дорихоналар фаолияти вилоят шифокори томонидан доимий назорат қилиб борилган ва ҳар йили молиявий текширувлар ўтказиб турилган.

Дорихоналар шаҳарларнинг руслар яшайдиган қисмида жойлашган бўлиб, уларнинг асосий истеъмолчилари европа миллатига мансуб аҳоли вакиллари эди. Замонавий дорихоналар фаолият бошлаган дастлабки йилларда маҳаллий аҳоли ушбу дорихоналарга камдан-кам ҳолларда мурожаат қилганлар. Эпидемиялар даврида, айниқса, 1892 йилда вабо эпидемияси пайтида мавжуд дорихоналар асосий истеъмолчиларига ҳам керакли дори-дармонларни етказиб бера олмаган. Маҳаллий аҳоли яшайдиган шаҳарнинг асосий катта ҳудудларида дорихоналар бўлмаганлиги туфайли, аҳолига дори-дармон етказиб беришнинг имконияти ҳам бўлмаган. Лекин шунга қарамай, маҳаллий аҳолининг тиббий ёрдам сўраб европа миллатига мансуб шифокорларга мурожаат қилиш суръатининг ортиб бориши билан замонавий дорихоналарга мурожаатлар ҳам аста-секинлик билан кўпайиб борган. Бу дорихоналар фаолияти кўламининг ғоят секинлик билан ортиб боришига сабаб бўлган. Чунончи, дорихоналардаги савдонинг кўлами йилдан-йилга секинлик билан ортиб борганлигини қуйида келтирилган жадвалдан кўришимиз мумкин:

2-жадвал

Туркистон ўлкасидаги дорихоналардаги савдо кўлами ҳақида маълумот*

Дорихона номи	**Савдо тушуми йиллар бўйича**					
	1889 йил		**1893 йил**		**1896 йил**	
	Рецептлар сони	Савдо тушуми	Рецептлар сони	Савдо тушуми	Рецептлар сони	Савдо тушуми
Провизор Крузенинг хусусий дорихонаси	15906	13510,6	Маълумот йўқ	18409	13150	10654,9

* Ушбу жадвал Ўзбекистон Миллий архиви(Ўз МА) И.1-жамғарма, 11-рўйхат, 616- йиғма жилд, 43-об. варақ, И.1-фонд, 11-рўйхат, 1008- йиғма жилд, 130-варақ, И.1-фонд, 11-рўйхат, 1008- йиғма жилд, 24-варақлари асосида тайёрланди.

Тошкент шаҳар дорихонаси	6090	4747,1			10625	10705,7
Самарқанд шаҳар дорихонаси	10422	9295,3	10740	8878,8	13033	10681,5
Қўқон шаҳар дорихонаси	-	-	2206	2271,1	3730	3675,9
Чоржўй тумани дорихонаси	-	-	Маълумот йўқ		Маълумот йўқ	
Янги Марғилон шаҳар дорихонаси	-	-	-	-	3019	4548,9

Жадвалдан кўриниб турибдики, таҳлил этилаётган йилларда мавжуд дорихоналарнинг аксариятида (Провизор Крузенинг хусусий дорихонасидан ташқари) рўйхатга олинган рецептлар сони ва савдо айланмаси ортиб борган. Агар Тошкентдаги провизор Крузе хусусий дорихонаси, шаҳар дорихонаси ва Самарқанд шаҳар дорихоналарида 1889 йилда жами 32418 та рецепт рўйхатга олинган бўлса, 1896 йилда рўйхатга олинган рецептлар сони 36808 тани ташкил қилиб, 1889 йилдагига нисбатан 12 фоизга ортган. Савдо айланмаси эса 1889 йилда 27552 рублни ташкил қилган бўлса, 1896 йилда бу кўрсаткич 32040 рублни ташкил этган. Бундан кўринадики, олти йил оралиғида дорихоналарнинг савдо айланмаси 14 фоизга ортган.

Шуни қайд этиш лозимки, XIX асрнинг 90-йиллари бошларида Фарғона вилоятида фаолият кўрсатаётган хусусий дорихоналар ва касалхоналар қошидаги дорихоналарда савдо кўламининг ортиб бориши натижасида дорихона очишга рухсат сўраб, маҳаллий ҳокимиятга қилинган мурожаатлар сони сезиларли равишда ортган. 1877 йилда Семипалатинск шаҳрида истиқомат қилувчи провизор Ричард Эдуардович Шёнрок Фарғона вилоятида биринчи бор Қўқон шаҳрида дорихона очишга рухсат сўраб, вилоят губернаторига мурожаат қилган эди [8. Б. 1]. Шундан кейинги йилларда Фарғона вилоятида дорихона очишга рухсат сўраб мурожаат қилган ўнлаб фармацевт ходимларга вилоят маъмурияти томонидан дорихона очишга рухсат берувчи гувоҳномалар берилган. Масалан, 1890 йил 7 апрелда Янги Марғилон шаҳрида дорихона очиш учун провизор Эйнштейн, шу йили 18 августда Қўқон шаҳрида дорихона очиш учун провизор Цехонский, 1891 йил 8 февралда Эски Марғилон, Андижон, Наманган шаҳарларида дорихона очиш ҳамда Эски Марғилон, Қўқон, Наманган ва Андижон шаҳарларида дори омбори ташкил этиш учун провизор Гамулецкий, 1891 йил 9 апрелда Янги Марғилон шаҳрида дорихона очиш учун Болеслав Петкевич [9. Б. 3–6], 1893 йил 14 декабрда Янги Марғилон шаҳрида дорихона очиш учун Бобровский [10. Б. 8], 1895 йил 11 февралда Янги Марғилонда дорихона очиш учун Женкиновскийларга дорихона очиш ва дори воситаларини сотишга рухсат берувчи гувоҳномалар тақдим қилинган [11. Б. 3].

1896 йилда Фарғона вилоятида Янги Марғилондаги провизор Бобровскийга тегишли, Қўқондаги провизор Цехонскийга тегишли ҳамда Андижондаги провизор Вильдега тегишли жами 3 та хусусий дорихоналар фаолият кўрсатган. Ушбу дорихоналарнинг маблағ айланмалари жами 8512 рубль, 48 тийинни ташкил қилиб, Янги Марғилонда рецепт бўйича 1822 рубль, 25 тийин, эркин савдода 2726 рубль, 71 тийин, Қўқонда рецепт бўйича 2117 рубль, 39 тийин, эркин савдода 1558 рубль, 58 тийин, Андижонда эса рецепт бўйича 82 рубль 94 тийин, эркин савдода 204 рубль 60 тийин миқдорида дори сотилган [12. Б. 23]. Бундан ташқари шу йилда Янги Марғилон шаҳар касалхонасининг дорихонасида, шаҳар врачи Брауштейн, Ўш шаҳар касалхонасининг дорихонасида, уезд врачи Кищук, Андижон лазаретининг дорихонасида, лазарет бош врачи Майзельс, Андижон шаҳар касалхонасининг дорихонасида, шаҳар врачи

Мали, Эски Марғилондаги тиббий қабулхонада, Марғилон уезди врачи Смирнов, Қўқон шаҳар касалхонасининг дорихонасида, шаҳар врачи Гимбут, Наманган шаҳар касалхонасининг дорихонасида, шаҳар врачи Колтановскийлар ҳам аҳолига дори-дармон сотиш билан шуғулланганлар. Эски Марғилон, Ўш, Қўқон ва Наманган шаҳар лазаретларининг дорихоналарида эса аҳолига дори-дармон воситалари сотилмаган [13. Б. 87–88].

1898 йил 12 ноябрда Наманган уезди бошлиғининг Наманган шаҳрида дори маҳсулотларини сотиш бўйича №10821 сонли рухсатномасига асосан провизор Николай Гаврилович Кошкарев томонидан Наманган шаҳрида яшовчи фуқаро Остонбой қори хонадонида ҳам дорихона очилиб, аҳолига дори-дармон етказиб беришни бошлайди [14. Б. 186]. Лекин, айтиш мумкинки, ушбу дорихона Наманган шаҳри аҳолисининг эҳтиёжини қондира олмаган. 1906 йил 12 сентябрда Наманган шаҳар хўжалик бошқармасининг Фарғона вилояти губернаторига юборган №1581 сонли билдиргисида Наманган шаҳрида провизор Кашкарев бошқарувидаги дорихонанинг қарийб 65 минг кишилик шаҳар аҳолисининг эҳтиёжларини қондира олмаётганлиги таъкидланади. Шу билан биргаликда 1905 йилда шаҳар маблағлари 87355 рублни ташкил қилиб, 1906 йил 1 январь ҳолатига шу маблағдан 47194 рубль ортиб қолганлигини, шу маблағ ҳисобидан янги дорихона қуриш зарурлигини, шунингдек, ушбу дорихона аҳоли эҳтиёжларини қондириш билан биргаликда, дори савдосидан тушган фойда дорихона таъминоти учун сарфланган маблағни ҳар қандай ҳолатда ҳам қоплаши асослаб берилган. Билдиргининг иловасида янги дорихона шаҳар шифохонаси ҳудудида, Николаев ва Кауфман кўчалари кесишган жойда қурилиши мўлжалланаётганлиги, дорихона лойиҳасида жами 55 м^2 бўлган қабулхона, лаборатория, таъминот хонаси, даҳлиз ва провизор ёрдамчисининг хонаси, провизор учун иккита хона, ошхона, провизор учун очиқ даҳлиз кабилар жой олган бўлиб, ушбу иншоотлар қурилиши учун тахминан 6500–7000 рубль талаб этилиши кўрсатилган. 1906 йил 1 ноябрда Туркистон генерал-губернаторининг Фарғона вилояти губернаторига йўллаган № 13626-сонли хатида Наманган шаҳрида янги дорихона очишга рухсат берганлиги, бунинг учун дорихонанинг тугалланган лойиҳаси ва унинг сметаси тақдим этилиши зарурлиги таъкидланган. Ўз навбатида ушбу якуний лойиҳа тайёрланиб, тасдиқлангунича заруратдан келиб чиқиб, Фарғона вилояти губернатори шаҳар шифохонасидаги дорихона таъминоти учун шаҳар маблағлари ҳисобидан 3000 рубль ажратилишига рухсат сўраб, Туркистон генерал-губернаторига мурожаат йўллайди. Туркистон генерел-губернатори томонидан 1907 йил 19 ноябрда Наманган шаҳар дорихонасини жиҳозлаш ва дори воситалари билан таъминлаш учун сўралган маблағ ажратилишига рухсат берилади. Кейинчалик Туркистон генерал-губернаторлиги канцеляриясининг 1909 йил 28 апрелдаги хатида инженер Сваричевский берган хулосага кўра, дорихонанинг якуний лойиҳаси тасдиқланганлиги ва қурилиш учун шаҳар маблағлари ҳисобидан 9136 рубль сарфланганлиги маълум қилинади [15. Б. 339–340].

Дорихоналарнинг бинолари тузилиши бўйича рецептура хонаси, ашёвий таъминот хонаси, доривор гиёҳлар ва ўсимликлар захираси сақланадиган алоҳида хона, лаборатория, кокторий*, дори туйиш жойи ҳамда дори-дармонларни тарқатиш учун фойдаланиладиган ойнали бўлмалардан иборат бўлган. Дорихоналарнинг белгиланган талаблар асосида ишлаши ва санитар шарт-шароитларини ўрганиш мақсадида уезд ёки шаҳар врачи бошчилигида ташкил қилинган комиссиялар томонидан доимий текширувлар ўтказиб турилган. 1895 йил 20 январда Қўқон шаҳридаги провизор Цехонскийга тегишли, провизор Юлий Клетте томонидан бошқариладиган дорихона ўрганилганда, дорихона биносининг тузилиши талабга жавоб бериши, белгиланган талаб бўйича

* **Кокторий** – дорихоналарда суюқ дори ва дамламалар тайёрлаш хонаси.

қарийб 30 турдаги тайёр дорилар ва яна шунча турдаги махсус кимёвий препаратлар, 13 турдаги фармация соҳасига доир китобларнинг мавжудлиги аниқланган [16. Б. 58–63].

Бундан ташқари вилоят шифокорининг талабига асосан ҳар бир дорихонанинг йиллик моддий таъминоти, савдо тушуми, чет элдан келтирилган дорилар тўғрисида маълумотлар вилоят бошқармаси тиббиёт бўлимига бериб борилган. Жумладан, 1894 йил 13 октябрда провизор Цехонскийнинг Қўқондаги дорихонаси бошқарувчиси, фармацевт С.Галецкийнинг вилоят шифокорига юборган маълумотномасига кўра, 1894 йилда дорихонанинг йиллик таъминоти 1664 рублни ташкил этган. Шундан 900 рубль фармацевтнинг маоши учун, 504 рубль бино ижараси учун, 144 рубль хизматкорнинг маоши учун, 90 рубль иситиш ва ёритиш тизими учун, 26 рубль дори сотиш билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома олиш учун сарфланган. Тиббиётда қўлланиладиган воситалар: алколоидлар, эфир мойлари, 15–25% гача бўлган тинчлантирувчи (наркотик) экстрактлар, шифобахш тузлар, спиртли моддалар, 35–70% боғлов материаллари, кислоталар ва бошқа хом ашёлар Россия давлатидан келтирилган. Тиббиёт буюмлари Москва, Петербург, Варшава ҳамда бошқа чет давлат шаҳарларидан келтирилган [17. Б. 79].

Шу йилда Янги Марғилондаги дорихонанинг йиллик таъминоти 1894 рублни ташкил қилиб, шундан 1120 рубль дорихона бошқарувчисининг маоши учун, 180 рубль доришунослик бўйича амалиётчи-ўқувчиси учун, 144 рубль қоровулнинг маоши учун, 450 рубль бино ижараси, ёритиш ва иситиш тизимлари учун сарфланган. Дори воситалари Санкт-Петербург шаҳридан олиб келиниб, бир пуд* суюқ дори 5 рубль, қуруқ дори 4 рубль турган. Дорилар махсус қутиларда Янги Марғилон шаҳрига келтирилган ва ҳар бир пуд дори учун 3 рублдан йўл ҳақи сарф этилган [18. Б. 80].

XIX аср охири – XX аср бошларида Фарғона вилоятида фаолият кўрсатган барча дорихоналар европа миллатига мансуб фармацевт, тадбиркорлар томонидан томонидан ташкил этилган. Уларнинг орасида яҳудийлар кўпчиликни ташкил қилиб, дорихоналарнинг асосий қисмига эгалик қилган. Бундан ташқари немис, поляк миллатига мансуб фармацевтлар ҳам дорихона фаолиятини ташкил қилганлар. Умуман, фармацевтика соҳасида фаолият кўрсатган барча ходимлар: провизорлар, дорихонат эгалари, бошқарувчилари, доришунослик бўйича амалиётчи-ўқувчилари орасида маҳаллий аҳоли вакиллари бўлмаган. Қуйида келтирилган жадвалда Фарғона вилоятида фармацевтика соҳасида фаолият кўрсатган ходимларнинг ижтимоий ҳолати тўғрисидаги маълумотларни кўришимиз мумкин:

* **Пуд** - қад. оғирлик ўлчов бирлиги. Қиймати 40 қадоққа тенг. 1 П. = 40 қадоқ=40-0,4095512 кг=16,3805 кг. Баъзи шеваларда пут деб ҳам ишлатилган.

3-жадвал

1915 йилда Фарғона вилоятида фармацевтика соҳасида фаолият кўрсатган ходимларнинг ижтимоий ҳолати бўйича маълумот [19. Б. 1]**:**

№	Дорихона номи	Дорихона эгаси ва бошқарувчисининг исми ва шарифи, миллати, дини, дорихонада фаолият олиб борувчи ходимлар сони
1	Наманган шаҳридаги хусусий дорихона	Бошқарувчиси провизор Шимон Теофилович Веселевский, поляк, рим-католик; 2 нафар фармацевт.
2	Андижон шаҳридаги хусусий дорихона	Эгаси Карл Эдуардович Неймарк, немис, люлеранлик; Бошқарувчиси провизор Николай Петрович Классон, латиш, лютеранлик; 2 нафар фармацевт, икки нафар ўқувчи-амалиётчи.
3	Андижон шаҳридаги иккинчи хусусий дорихона	Эгаси провизор Григорий Абрамович Неймарк, яҳудий, яҳудийлик; бир нафар ўқувчи-амалиётчи.
4	Қўқон шаҳридаги хусусий дорихона	Эгаси аптекар ёрдамчиси Борис Владимирович Болотин, яҳудий, яҳудийлик; бошқарувчиси аптекар ёрдамчиси Мовша Шмуйлович Регельсон, яҳудий, яҳудийлик; 4 нафар фармацевт, уч нафар ўқувчи-амалиётчи.
5	Қўқон шаҳридаги иккинчи хусусий дорихона	Эгаси Эдуард Альбертович Вильде, немис, лютеранлик; бошқарувчиси Мария Аркадьевна, рус, праваслав; 3 нафар фармацевт, уч нафар ўқувчи-амалиётчи.
6	Ош шаҳридаги хусусий дорихона	Эгаси дворян Иван Францевич Балтрушайтис, литвалик, рим-католик; бошқарувчиси провизор Исаак Лейбович Неймарк, яҳудий, яҳудийлик; бир нафар ўқувчи-амалиётчи.
7	Скобелев (Фарғона) шаҳридаги хусусий дорихона	Эгаси ва бошқарувчиси провизор Владимир Евгениевич Грунауер, немис, лютеранлик; уч нафар фармацевт, бир нафар ўқувчи-амалиётчи.
8	Эски Марғилон шаҳридаги хусусий дорихона	Эгаси ва бошқарувчиси провизор Хаим Мендел Ицкович Гросман, яҳудий, яҳудийлик; бир нафар фармацевт.
9	Чустдаги қишлоқ дорихонаси	Эгаси ва бошқарувчиси аптекар ёрдамчиси Михаил Иванович Аветов, арман, арман-григориан.
10	Шаҳрихондаги қишлоқ дорихонаси	Эгаси ва бошқарувчиси аптекар ёрдамчиси Гирш Лейбович Цетлин, яҳудий, яҳудийлик.
11	Асакадаги қишлоқ дорихонаси	Эгаси ва бошқарувчиси аптекар ёрдамчиси Абрам Нехемьевич Вильнер, яҳудий, яҳудийлик.
12	Жалолободдаги қишлоқ дорихонаси	Эгаси ва бошқарувчиси аптекар ёрдамчиси Лейм Залманович Беренсон, яҳудий, яҳудийлик.
13	Чинободдаги қишлоқ дорихонаси	Эгаси ва бошқарувчиси провизор Римуальд Ахиллесович Ордынец, литвалик, рим-католик.
14	Конибодомдаги қишлоқ дорихонаси	Эгаси ва бошқарувчиси аптекар ёрдамчиси Каликсий Юстин Николаевич, поляк, рим-католик.

1910 йилга келиб, Фарғона вилоятида дорихоналар сони 8 тага етди. Булар Скобелев (ҳозирги Фарғона) шаҳар дорихонаси (13509 та рецепт келиб тушган), Марғилон дорихонаси (1236 рецепт келиб тушган), Қўқон шаҳридаги иккита дорихона (умумий 30408 рецепт келиб тушган), Наманган шаҳридаги дорихона (4916 рецепт келиб тушган), Андижон шаҳридаги иккита дорихона (умумий 8207 рецепт келиб тушган) ҳамда Ўш шаҳрида 1910

йилнинг 1 январидан 1 мартига қадар фаолият юритган дорихона (160 рецепт келиб тушган) лар эди. Булардан ташқари, Чуст ва Асакада қишлоқ дорихоналари ҳам фаолият олиб борган. Вилоятдаги барча дорихоналарнинг йиллик савдо тушуми 74801 рублни ташкил қилган [20]. 1910 йилда вилоятдаги фармацевтлар сони 19 нафарни ташкил қилган бўлса, шулардан 9 нафари доришунослик бўйича амалиётчи-ўқувчилар эди [21. Б. 170].

1913 йилга келиб, Шаҳрихон ва Жалолободда ҳам қишлоқ дорихоналари фаолияти йўлга қўйилган. Бу билан Фарғона вилоятидаги қишлоқ дорихоналарининг сони тўрттага етган [22. Б. 130]. Вилоятдаги фармацевтлар сони ҳам ортиб 25 нафарни ташкил қилган.

1915 йилда Фарғона вилоятида жами 14 та дорихона фаолият кўрсатиб, йил давомида келиб тушган рецептлар ва қайта мурожаатлар сони 111237 тани, савдо тушуми эса 174730,30 рублни ташкил қилган. 1896 йилда Туркистон ўлкаси бўйича рўйхатга олинган рецептлар ва қайта мурожаатлар сони 36808 ташкил этгани, савдо тушуми эса 32040 рублни ташкил этганига эътибор қаратилса, қарийб 20 йил ичида Фарғона вилоятида замонавий дорихоналарга аҳоли ишончининг ортиб борганлиги ҳамда дорихоналар ва дори-дармонлар тайёрлаш билан шуғулланувчи маҳаллий табиблар ҳамда атторлар ўртасида ижобий рабоқат муҳити ўсиб борганлигини кўришимиз мумкин.

Биринчи жаҳон уруши йилларида чет давлатлардан дори олиб кириладиган каналлар, шунингдек, транспорт йўлларининг издан чиқарилиши Туркистондаги, жумладан, Фарғона вилоятидаги дорихоналарнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатган. Бунинг натижасида дорихоналарнинг захиралари сезиларли даражада камайиб кетган ва уларни тўлдириш учун керакли чора-тадбирлар амалга оширилмаган. Сотувда дори-дармон, айниқса, турли дезинфецияловчи воситаларнинг танқислиги кузатилган. “Садои Фарғона” газетасининг 1915 йил 10 апрелдаги сонидаги келтирилган қуйидаги хабардан Фарғона вилоятига чет элдан келтириладиган дори-дармонларнинг камайиб кетиши натижасида нарх-навонинг кескин ошиб кетганлиги тўғрисидаги маълумотни кўришимиз мумкин: “Хориждан баъзи тиббий ажзо ва доруларнинг келмаслиги сабабидин кейинги вақтларда Русия таккаларинда баъзи доруларни нархи юзда 10–31 даражаға қиммат бўлибдур” [23].

Хулоса

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб, хулоса сифатида айтиш мумкинки, XIX охири – XX аср бошларида Туркистон ўлкаси, хусусан, Фарғона вилоятига замонавий фармакология кириб келиб, ўлкада замонавий дорихоналар ташкил этила бошлаган. Дастлабки дорихоналар шаҳарнинг руслар жойлашган қисмида жойлашган бўлиб, уларга маҳаллий аҳоли камдан-кам мурожаат қилар эди. Кейинчалик маҳаллий аҳолининг ушбу дорихоналарга мурожаати кўпайиб бориши натижасида, дорихона очишга бўлган талаб ҳам ортган. Европа миллатига мансуб фармацевтлар Туркистонда, жумладан, Фарғона вилоятида дори савдосини йўлга қўйишга катта қизиқиш билдирар эдилар. Бунинг асосий сабаблари, аввало, ўлкада замонавий европача тиббиёт билимларнинг ёйилиб бориши ҳамда ўлка аҳолисининг европача тиббиётга нисбатан ишончининг ортиб бориши билан боғлиқ бўлса, айни пайтда ўлкада дори савдосидан келиб тушган даромад дорихона таъминоти учун сарфланган маблағни қоплаганлиги эди. Яна шуни таъкидлаш лозимки, тадқиқ этилаётган мавзу бўйича ўлкада замонавий доришунослик ривожининг тарихий шарт-шароитлари, дорихоналар фаолиятининг зарурий шартлари, ўлкада, хусусан, Фарғона водийсидаги илк замонавий дорихоналар ва доришунослик фаолияти бўйича комплекс тадқиқотлар олиб бориш муҳим ўрин тутади. Айни пайтда архивлардаги илмий муомалага киритилмаган муаммога оид ҳужжатларни ўрганиш ва кенг жамоатчиликка етказиш, ўлкада соғлиқни сақлаш тизимида юз берган ўзгаришлар хусусидаги маълумотларнинг бойишига хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Шарқ табобати. / Нашрга тайёрловчи, таржимон, мақолалар ва шарҳлар муаллифа Ҳамидулла Ҳикматуллаев. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. – 288 б.
2. Туркистонда тиббиёт: анъана ва инновациялар (XIX аср охири ва XX аср бошлари)/ Нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир С.Б. Шадманова. – Тошкент: Akademnashr, 2019. – 232 б.
3. *Шодмонова С.Б.* Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида (1870–1917 йиллар). – Тошкент: Yangi nashr, 2011. – 296 б.
4. *Кушелевский В.И.* Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. Том III. – Новый Маргелан: Издание Ферганского Областного Статистического Комитета, 1890. – 288 с.
5. *Скайлер Ю.* Туркистон: Россия Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғулжага саёҳат қайдлари. / З.А.Саидбобоев таржимаси. – Тошкент: “O‘zbekiston” НМИУ, 2019. – 336 б.
6. Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА), И.1-жамғарма, 16-рўйхат, 680-йиғма жилд. 6-7-варақ.
7. Ўз МА,, И.1-жамғарма, 11-рўйхат, 616-йиғма жилд. 43-варақ.
8. Ўз МА,, И.19-жамғарма, 1-рўйхат, 10604- йиғма жилд. 1-варақ.
9. Ўз МА, И.19-жамғарма, 1-рўйхат, 12843-йиғма жилд. 3-6-варақ.
10. Ўз МА, И.19-жамғарма, 1-рўйхат, 13207-йиғма жилд. 8-варақ.
11. Ўз МА, И.19-жамғарма, 1-рўйхат, 32460-йиғма жилд. 3-варақ.
12. Ўз МА, И.19-жамғарма, 1-рўйхат, 32508-йиғма жилд. 23-варақ.
13. Ўз МА, И.19-жамғарма, 1-рўйхат, 32547- йиғма жилд. 87-88-варақ.
14. Ўз МА, И.19-жамғарма, 1-рўйхат, 32562- йиғма жилд. 186-варақ.
15. *Эшбекова Д., Бадалов А.* Ўлкадаги замонавий дорихоналар: ташкил этилиши, фаолияти ва муаммолари / Китобда: XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда тиббиёт ва халқ табобати. – Тошкент: Фан, 2020. – 400 б.
16. Ўз МА, И.19-жамғарма, 1-рўйхат, 32460- йиғма жилд.
17. Ўз МА, И.19-жамғарма, 1-рўйхат, 32460- йиғма жилд.
18. Ўз МА, И.19-жамғарма, 1-рўйхат, 32460- йиғма жилд, 80-варақ.
19. Ўз МА, И.19-жамғарма, 1-рўйхат, 33082-йиғма жилд.
20. Туркестанские ведомости, 1911. – № 164.
21. Обзор Ферганской области за 1910 год. – Новый Маргелан. Типография Ферганского Областного Правления, 1912. – 170 с.
22. Обзор Ферганской области за 1913 год. Г. Скобелев. Типография Ферганского Областного Правления. 1916. Ст. 130.
23. Дориларнинг қиммат бўлмоғи: Дохили хабарлар // Садои Фарғона, 1915 йил 10 апрель.

THE HISTORY OF ESTABLISHMENT AND ACTIVITY OF PHARMACIES IN FERGHANA REGION (Late 19th - early 20th centuries)

A.A. Badalov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2021. 1 (61). 52-64.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: Ferghana region, modern drugstore, pharmacist, medicines, druggist, pharmacy, recipe.

This in article examines the traditions of pharmacy in the Turkestan region in the late 19th - early 20th centuries, including Ferghana region, the introduction of modern medicine in to the country, the use of drugs used in European medicine, the activities and problems of the first modern pharmacies in the country. The research is based on historical literature, archival materials and periodicals based on historical methods such as historical, scientific and regional approaches. Attempts to open a private pharmacy in Turkestan began in the 1870s. In 1874, the first pharmacy was opened in the old part of Tashkent at the expense of charitable funds. Later, pharmacies began to be established in other parts of the country. In the beginning, the main customers of pharmacies were representatives of the European population in the country and the local indigenous people rarely visited pharmacies. This was one of the main factors hindering the organization and development of the pharmacy business. Later, as the population's use of medicines imported from Europe increased, the sales volume of modern pharmacies increased and the interest in opening a new pharmacy increased.

In the late 19th and early 20th centuries, all modern pharmacies in the Ferghana region were established by European pharmacists and entrepreneurs. Among them, the Jews formed the majority. In general, there were no representatives of the local population among all employees working in the pharmaceutical industry: pharmacists, pharmacy owners, managers, practitioners-students in pharmacy. In the early 20th century, the network of modern pharmacies expanded from year to year and modern pharmacies began to be established in rural centers. In 1915, there were a total of 14 pharmacies in Ferghana region, including 8 private pharmacies and 6 rural pharmacies. These data show that in 1896, compared with the number of drugstores in Turkestan and their sales, in the Ferghana region itself, modern pharmaceutical achievements have multiplied, and a positive atmosphere of competition between pharmaceutical representatives and local doctors and haberdashers has grown.

In conclusion, in the late 19th and early 20th centuries, modern pharmacology entered the Turkestan region, including the Ferghana region, and the process of transformation of traditional medicine began. In the early years, modern pharmacies were established only in the centers of some cities, but later, as the demand of the population increased, pharmacies and their branches were opened in rural areas and the network of pharmacies expanded.

References:

1. Sharq tabobati (1994) [Oriental medicine]. Prepared by, translator, articles and comments by. H.Hikmatullaev. Tashkent: A.Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti.

2. Shadmanova, S.B. (ed.) (2019) Turkistonda tibbiyot: an'ana va innovatsiyalar (XIX asr oxiri va XX asr boshlari) [Medicine in Turkestan: tradition and innovations (late 19th and early 20th centuries)]. Ташкент: Akademnashr.

3. Shadmonova, S.B. (2011) Turkiston tarixi – matbuot koʻzgusida (1870-1917). [History of Turkestan - in the mirror of the press (1870-1917)]. Tashkent: Yangi nashr.

4. Kushelevskij, V.I. (1890) Materialy dlya medicinskoj geografii i sanitarnogo opisaniya Ferganskoj oblasti [Materials for medical geography and sanitary description of the Ferghana region]. Vol.3. Novyj Margelan: Izdanie Ferganskogo Oblastnogo Statisticheskogo Komiteta.

5. Skayler, Yu. (2019) Turkiston: Rossiya Turkistoni, Qoʻqon, Buxoro va Gʻuljaga sayohat qaydlari [Turkestan: Travel Notes to Russian Turkestan, Kokand, Bukhara, and Gulja]. Tashkent: "Oʻzbekiston" NMIU.

6. Oʻzbekiston Milliy Arxivi (OʻzMA) [National archive of Uzbekistan. (NA of Uz)]. I. Fund - 1. List-16, Collection -680. Page 6-7.

7. NA of Uz. I. Fund - 1. List-11, Collection - 616. Page 43.
8. NA of Uz. I. Fund - 19. List-1, Collection - 10604. Page 1.
9. NA of Uz. I. Fund - 19. List-1, Collection - 12843. Page 3-6.
10. NA of Uz. I. Fund - 19. List-1, Collection - 13207. Page 8.
11. NA of Uz. I. Fund - 19. List-1, Collection - 32460. Page 3.
12. NA of Uz. I. Fund - 19. List-1, Collection - 32508. Page 23.
13. NA of Uz. I. Fund - 19. List-1, Collection - 32547. Page 87-88.
14. NA of Uz. I. Fund - 19. List-1, Collection - 32562. Page 186.

15. Eshbekova, D., Badalov, A. (2020) O‘lkadagi zamonaviy dorixonalar: tashkil etilishi, faoliyati va muammolari [Modern pharmacies in the country: organization, activities and problems]. In: XIX asr oxiri – XX asr boshlarida Turkistonda tibbiyot va xalq tabobati [Medicine and folk medicine in Turkestan in the late 19th-early 20th centuries]. Toshkent: Fan. Pp. 328-341.
16. NA of Uz. I. Fund - 19. List-1, Collection - 32460. Page 58-63.
17. NA of Uz. I. Fund - 19. List-1, Collection - 32460. Page 79.
18. NA of Uz. I. Fund - 19. List-1, Collection - 32460. Page 80.
19. NA of Uz. I. Fund - 19. List-1, Collection - 33082. Page 1.
20. Turkestanskie vedomosti (1911) [Turkestanskie Vedomosti]. No 164.
21. Obzor Ferganskoj oblasti za 1910 god (1912) [Overview of the Ferghana region for 1910]. Novyj Margelan. Tipografiya Ferganskogo Oblastnogo Pravleniya.
22. Obzor Ferganskoj oblasti za 1913 god. (1916). [Overview of the Ferghana region for 1913]. Tipografiya Ferganskogo Oblastnogo Pravleniya od. G. Skobelev.
23. Dorilarning qimmat bo‘lmog‘i: Doxili xabarlar (2015) [Expensiveness of medicines: Internal news]. Sadoi Farg‘ona. Aprel 10.

Муаллиф ҳақида маълумот:
БАДАЛОВ Азизбек Абдумаликович – Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси таянч докторанти. E-mail: azizbekbadalov84@mail.ru.